

---

## &quot;ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН&quot; МАССИВИДАГИ ИШЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЕЛГИЛАНДИ

Ёзёвон туманинаги “Янги Ўзбекистон” массивида 2024 йилда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича жами 348 та хонадондан иборат 15 та кўп қаватли уй-жойлар қуриш белгиланган. Ҳозирги кунда 9 та 188 хонадонли уй-жойларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, хитойлик инвесторлар томонидан 1 та 2 подезли 7 қаватдан иборат бўлган уй-жойлар қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров шу жойда туман секторлари раҳбарлари билан мулоқот қилди. Унда тадбиркорларни қўллаб-куватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги қайд этилди.

Массивда уй-жой қурилишини тезлатиш, бунда, албатта қурилиш меъёрлари асосида ишларни олиб бориш кераклиги таъкидланди. Массив ҳудудида кичик саноат зонаси ташкилланиб, тадбиркорларни жалб этиб, 30 сотихдан 3 қаватли бинолар қуриш ва унда косибчилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича туман секторлари раҳбарларига топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-24 11:53:50